

331.5 (043.3)

8иби

W

T73

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси

Қўлёзма ҳуқуқида

ББК: 657.471.12+331.5.004.4

ТОҒАЕВ БЕҲЗОД ЭРҒАШЕВИЧ

**ЯЛПИ ИШЧИ КУЧИ, УНИНГ ТАРКИБИ ВА БАНДЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.01 – «Иқтисодий назария» ихтисослиги

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Вх. № 91/42
« 15 » 09. 2004 г.

Тошкент-2004

331.5(043)

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Иқтисодиёт назарияси» кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи иқтисод фанлари доктори, профессор **Шодмонов Ш.Ш.**

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор **Ваҳобов А.В.**
иқтисод фанлари номзоди **Мирзакаримова М.М.**

Етакчи ташкилот: **Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети**


Диссертация 2004 йил «8» Апрел, соат 14:30 да Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.10.02. рақамли бирлашган ихтисослашган кенгашда ҳимоя қилинади.

Манзил: 700003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2004 йил «5» Апрел да таркагилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш илмий котиби, иқтисод фанлари номзоди, доцент

 **Абулқосимов Х.П.**

I. Диссертациянинг умумий тавсифи

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида қисқа тарихий вақт ичида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларини шакллантириш йўлини босиб ўтди. Бу йўл мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ўтиш давридаги иқтисодий ислохотларнинг миллий модели тўғри танланганлигини тасдиқлади.

Ўзбекистонда бир вақтнинг ўзида бир неча мураккаб муаммоларни ҳал қилишга – макроиқтисодий ўсишга эришиш, молиявий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодиётда институционал ҳамда таркибий қайта ўзгартиришларни амалга оширишга муваффақ бўлинди.

Ижтимоий–иқтисодий ривожланиш меҳнатга лаёқатли аҳолининг кўп укладли иқтисодиёт тизимида самарали банд бўлишига бевосита боғлиқ бўлгани учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ишчи кучининг иш билан бандлиги ва ишсизлик масалалари нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади.

Ишчи кучининг иш билан бандлигини таркибий ўзгартиришни амалга ошириш учун зарур бўлган асосий йўналишлар ва ташкилий-ҳуқуқий негизни вужудга келтириш республиканинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишининг миллий моделида ўз ифодасини топган.

Бироқ, аҳоли сонининг ўсиши юқори суръатлар билан бораётган республикамызда ишчи кучининг иш билан бандлиги масаласи муҳим ва долзарблигича қолиб, бу масалани илмий-амалий тадқиқ қилиш ниҳоятда жиддий аҳамият касб этмоқда. Бунда ишчи кучи бозорида шаклланаётган вазиятни батафсил ўрганиш, зарурият туғилганда эса унинг амал қилиш механизмларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш талаб этилади.

Шунинг учун ҳам ишчи кучининг иш билан бандлиги, ишсизлиги, унинг ички ва ташқи миграцияси, меҳнат фаолияти учун зарур ресурслар ва умуман, ишчи кучи бозори муаммолари мамлакат иқтисодиёти учун долзарб бўлиб, бу муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал қилиш йўллари ҳозирги замон талабига мос ҳолда белгилаш ва такомиллаштириш бугунги кунда иқтисодий назариянинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Ушбу муаммо бутун дунёда, жумладан, МДХ давлатларида ҳам кўплаб мутахассис ва олимларнинг тадқиқот предметини ташкил этади. Ишчи кучи бозори, ишсизлик ва иш билан бандлик масалаларини чуқур ўрганган иқтисодчилардан Ж.Кейнс, А.Оукен, С.Брю, К.Макконнелл, П.Самуэльсон, Г.Стендинг ва бошқаларни ажратиб кўрсатиш мумкин. МДХ мамлакатларида бу соҳада Н.А.Горелов, Д.Н.Карпунин, И.С.Маслова, А.А.Никифорова, А.А.Ракова, Е.И.Рузалина, Э.Р.Саруханов, М.Я.Сонин, С.Г.Струмилин, Н.М.Токарский, Е.И.Чернова ва бошқа олимларнинг илмий ишлари маълум.

Республикамызда бу соҳада Қ.Х.Абдурахмонов, А.А.Абдуганиев, Х.П.Абдуқосимов, Ю.В.Вороновский, Р.Я.Досумов, Л.Г.Максакова, Ф.У.Мамарасулов, М.М.Мирзакаримова, Д.А.Ортиқова, Д.П.Раҳимова, З.А.Толаматова, Р.А.Убайдуллаева, Ш.Ш.Шодмонов, Ш.Р.Холмўминов каби

иқтисодчилар самарали иш олиб боришмоқда. Улар томонидан ишчи кучи бозорининг шаклланиши ва ривожланишининг қатор муаммолари, ишсизлик, ишчи кучини меҳнат соҳасида ижтимоий ҳимоя қилиш, муайян ижтимоий-демографик гуруҳларнинг иш билан бандлиги ва янги иш жойларини яратишнинг муаммолари тадқиқ этилган.

Бизнинг фикримизча, юқорида номлари келтирилган ва яна келтириш мумкин бўлган муаллифлар, мутахассисларнинг айнан шу соҳа илми ҳамда амалиётига қўшган ҳиссалари бундан кейинги илмий умумлашмалар ва назарий хулосалар ишлаб чиқиш учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу олимларнинг муаммога бевосита алоқадор бўлган илмий ишлари Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишининг дастлабки даврларига тааллуқли бўлиб, ишчи кучининг иш билан бандлиги муаммоларининг ислоҳотларнинг ҳозирги даврига хос хусусиятларини очиб бериш учун асос бўлиб хизмат қилади. Натижада ишчи кучининг иш билан бандлиги жараёнларини мулкӣ ислоҳотлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари ҳамда халқаро иқтисодий алоқаларнинг эркинлашуви, ташқи ишчи кучи миграциясининг ишчи кучини иш билан бандлигини таъминлашдаги аҳамияти билан боғлиқ ҳолда илмий-назарий ва услубий таҳлил этишни давом эттириш зарурияти ушбу тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб берди.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ялпи ишчи кучи, унинг таркиби ва иш билан бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишларини аниқлаш ҳамда тегишли илмий-назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг мақсади ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари. Белгиланган мақсадга эришиш қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни тақозо қилади:

- ялпи ишчи кучи тушунчасининг ижтимоий–иқтисодий мазмунини очиб бериш;
- ялпи ишчи кучининг иш билан бандлиги ва унинг иқтисодий асосларини, ижтимоий–иқтисодий таркиби ва даражасининг бозор иқтисодиётига ўтиш даврига хос хусусиятларини илмий–назарий таҳлил қилиш;
- ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг турлари ҳамда намоён бўлиш шаклларини ўрганиш;
- ишчи кучи бандлигининг шаклланишида миллий ва демографик хусусиятларни кўрсатиб бериш;
- Ўзбекистон Республикасида ишчи кучини иш билан таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш;
- ишчи кучининг иш билан самарали бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишларини ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ташқи ишчи кучи миграциясининг мазмунини ҳамда унинг ялпи ишчи кучининг иш билан бандлигини таъминлашдаги аҳамиятини ўрганиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- ялпи ишчи кучи тушунчасига аниқлик киритилган ва унинг иш билан бандлигига илмий таъриф берилган;
- ялпи ишчи кучининг таркибий тузилишини ўрганиш услубиёти таклиф этилган;
- халқаро услубиятга асосланган ҳолда норасмий бандлик ва рўйхатдан ўтмаган ишсизлар ҳисоб–китобини республикага татбиқан амалга оширилиши зарурияти асослаб берилган;
- республиканинг ижтимоий–иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишчи кучининг тўла иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган тамойиллар аниқланиб, уларни амалга оширишга қаратилган чора–тадбирлар ва амалий тавсиялар тизими ишлаб чиқилган;
- ташқи ишчи кучи миграциясининг аҳамияти, расмий ва норасмий миграция турларининг мазмуни очиб берилган. Халқаро миграциянинг ишчи кучи бандлигини оширишдаги ўрни, афзалликлари илмий–назарий жиҳатдан асосланган;
- ташқи ишчи кучи миграциясининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усули келтирилган;
- республикада ташқи ишчи кучи миграциясини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган асосий ёндошув ва хулосалар тадқиқ қилинаётган муаммонинг илмий асосларини бойитади. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли бошқарма ва бўлимларида ҳамда ушбу вазирлик қошидаги Меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш республика марказида ялпи ишчи кучининг иш билан самарали бандлигини таъминлашга қаратилган дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, диссертация ишининг тегишли қисмлари ушбу муаммо бўйича методик қўлланмалар яратишда ва республика олий ўқув юртиларида «Иқтисодиёт назарияси», «Бозор иқтисодиёти асослари», «Меҳнат иқтисодиёти» фанлари ҳамда «Ишчи кучи бозори ва иш билан бандлик» курсларининг айрим мавзуларини ёритишда, ишчи кучи бандлиги бўйича махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Илмий иш натижаларининг жорий этилганлиги. Ишдаги таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Демография, меҳнат бозори ва иш билан таъминлаш бошқармаси ва Ўзбекистон Меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш республика маркази томонидан ишлаб чиқиляётган ва меҳнат органлари фаолиятини ҳамда иш билан бандлик дастурларини такомиллаштиришга мўлжалланган услубий ва илмий ишланмаларда фойдаланиш учун қабул қилинган (№06/1. 4.03.2004; №13. 1.03.2004).

Тадқиқот натижаларининг синовдан ва муҳокамадан ўтказилганлиги. Диссертациянинг асосий натижалари Бозор ислохотлари илмий–тадқиқот институтида ўтказилган «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги илмий–амалий конференциясида (2002 йил 10–11 июнь), Мирзо Улутбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида ўтказилган “Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш: муаммолар ва ҳал қилиш йўллари” мавзусидаги республика илмий–амалий конференциясида (2002 йил 17 сентябрь), Россия Халқлар Дўстлиги Университети Иқтисодиёт факультетида ўтказилган “Страны СНГ в условиях глобализации” мавзусидаги студент, аспирант ва ёш олимларнинг II–халқаро илмий–амалий конференциясида (2003 йил 26–29 март), Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг Тошкент филиалида ўтказилган 16–халқаро Плеханов ўқишларида (2003 йил 26 апрель) маърузалар қилинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мажлисида, Тошкент молия институти “Умумиқтисодий назария” кафедрасининг илмий семинарида, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети “Микро ва макроиқтисодиёт” кафедрасининг илмий семинарида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамияти қурилиши академияси қошидаги “Иқтисодиёт” йўналиши бўйича муаммовий илмий семинарларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот мавзуси бўйича чоп қилинган илмий ишлар. Тадқиқот натижалари бўйича 6 та мақола, жумладан 1 таси чет элда босилган ва 4 та илмий доклад тезислари илмий анжуманларда эълон қилинган ва тўпламларда нашр қилинган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 6 та параграфдан иборат бўлган 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация жами 145 компьютер ёзувидаги саҳифадан иборат бўлиб, 10 та жадвал ва 8 та чизмалли материалларни ўз ичига олган.

2. Диссертациянинг асосий мазмуни

Жамиятнинг ялпи ички маҳсулоти ҳисобига ишлаб чиқаришнинг моддий ашёвий омилларигина эмас, балки шахсий омили – ишчи кучи, яъни жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳам миқдор ҳам сифатдан жиҳатдан анча юқори даражада тақрор юзага чиқарилади.

Маълумки, ишчи кучи – инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятлари йиғиндиси бўлиб, ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқаришнинг асосий шarti ҳисобланади.

Бугунги фан-техника кучли тараққий этган даврда инсоннинг қудратли қуроллар ва асбоб–ускуналар билан таъминланиши натижасида унинг меҳнат жараёнидаги роли ошади, унга нисбатан янги талаблар юзага келади, юксак малакали ходимларга бўлган қўшимча эҳтиёж вужудга келади.

Ишчи кучи ишлаб чиқаришнинг жонли меҳнат омили бўлиб, ундан самарали фойдаланиш ҳамиша долзарб масала бўлиб келган. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ишсизликнинг кучайиши муносабати билан бу масалани ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир.

Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: «Ўзига хос аҳоли таркибига эга бўлган, аҳолининг ўсиши юқори суръатлар билан бораётган Ўзбекистонда аҳолининг иш билан бандлиги масаласи доимо энг муҳим ва ўтқир масалалардан бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда»¹, – дея бу масаланинг мамлакат олдида турган жиддий муаммолардан бири эканлигини таъкидлайди.

Ялпи ишчи кучининг таърифи адабиётларда деярли берилмаган ёки берилса ҳам тўлиқ бўлмаган ҳолда берилган. Диссертацияда таҳлил этилган ишлар натижасида ялпи ишчи кучи тушунчасига аниқлик киритилди, уни такрор ишлаб чиқариш ва иш билан бандлигига илмий таъриф берилди. Бундай ёндошувни ишлаб чиқишда қуйидагиларга асосланилди:

- ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш – инсоннинг жисмоний ва ақлий-малака қобилиятларини тадрижий равишда қайта тиклаб туриш;
- ялпи ишчи кучи – мамлакат миқёсида жами меҳнатга лаёқатли ишчи кучини миқдор ва сифат жиҳатдан ифодаловчи ижтимоий–иқтисодий, назарий–методологик тушунча.

Шунга кўра, ялпи ишчи кучининг иш билан бандлиги дейилганда, жами меҳнатга лаёқатли ишчи кучининг меҳнат муносабатларига жалб қилинганлик ҳолатини тушуниш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги назарий умумлашмаларга кўра, ялпи ишчи кучининг таркибини услубий жиҳатдан ўрганишда иқтисодий жиҳатдан нофаол қисми ва ишсизлар алоҳида ажратиш кўрсатилиши мумкин. Умуман олганда эса ялпи ишчи кучи қуйидаги гуруҳларда акс эттириш мумкин:

1) ялпи ишчи кучининг ёш таркиби ишчи кучи ресурсларининг умумий тузилишида ёш гуруҳларининг нисбати билан белгиланади. Ялпи ишчи кучининг ёшига кўра йирик гуруҳларини қуйидагиларга ажратиш мумкин: 16–29 ёшлилар (ёшлар); 39–49 ёшлилар; пенсия арафасидагилар 50–59 ёшли эрақлар ва 50–54 ёшли аёллар; пенсия ёшидаги шахслар – 60 ёш ва ундан катта ёшли эрақлар, 55 ёш ва ундан катта ёшли аёллар. Илмий–амалий мақсадларда ёш оралиқлари янада қисқароқ олиниши ҳам мумкин.

2) ялпи ишчи кучининг жинс таркиби унинг самарали бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятли бўлгани учун меҳнат соҳалари, ҳудудлар ва ёши бўйича ўрганилади.

3) маълумоти, касбий тайёргарлик даражаси ва турлари бўйича ялпи ишчи кучи таркиби мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини ифодалашда, ишчи кучидан самарали фойдаланиш кўрсаткичларини аниқлашда муҳим. Бунда ишчи кучининг маълумот даражаси олий маълумотлилар, ўрта махсус, касб–ҳунарлилар ва маълумотсизлар каби йирик гуруҳларга ажратилади. Турли тадқиқотлар мақсадларига қараб тугалланмаган касбий маълумотга эга

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон. 1998. 404 – бет.


бўлганлар, шунингдек маълумот даражасига тўғри келмайдиган ишларда ишловчилар ҳам ажратиб кўрсатилиши мумкин.

4) ялпи ишчи кучининг ҳудудлар бўйича таркиби.

Ялпи ишчи кучининг тармоқлар бўйича таркиби тадқиқот предмети бўлиши қийин, чунки ялпи ишчи кучи таркибидаги ишсизлар ва нофаол қисми тармоқ, иқтисодий фаолият соҳалари бўйича тақсимланмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишчи кучини оқилona тақсимлаш, қайта тақсимлаш ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий омилларидан ва интеллектуал капиталдан самарали фойдаланишнинг муҳим шартидир. Ишчи кучидан фойдаланиш уни такрор ишлаб чиқариш жараёнининг охириги босқичи бўлиб, уни шакллантириш ва тақсимлаш жараёни билан чамбарчас боғлиқ (1-расм).

1-расм. Ялпи ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш механизми ва босқичлари¹



Ялпи ишчи кучи, миқдор жиҳатдан олинганда, ишчи кучи ресурслари тушунчасига тўғри келади. Статистик жиҳатдан олинганда бу миқдор меҳнатга лаёқатлилар сони ва меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишловчилар сони йиғиндиси сифатида аниқланади:

$$ИКР = ЯИК = МЕМ + МПЮ$$

Бунда:

¹ Расм муаллиф томонидан тузилган.

ИКР – ишчи кучи ресурслари;

ЯИК – ялпи ишчи кучи;

МЕМ – меҳнатга лаёқат ёшидаги меҳнатга қобилиятли ишчи кучи;

МПЮ – меҳнатга қобилиятли ёшдан паст ва юқори ёшдаги иш билан банд банд ишчи кучи;

Ишчи кучи ресурслари сони меҳнатга лаёқатлилар (16 ёшдан 58¹–60 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 53²–55 ёшгача бўлган хотин–қизлар) сонидан ҳар иккала жинсдаги I гуруҳ ва ишламаётган II гуруҳ ногиронлари (H_{or}) сони чиқариб ташланган ҳолда аниқланади:

$$ИКР = Э_{(16 - 58-60)} + X_{(16 - 53-55)} - H_{or},$$

бунда:

$Э_{(16 - 58-60)}$ – 16 ёшдан 58–60 ёшгача бўлган эркаклар;

$X_{(16 - 53-55)}$ – 16 ёшдан 53–55 ёшгача бўлган хотин–қизлар.

Ишчи кучи бозори ишчи кучини иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари бўйича иқтисодий–ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ равишда фаолият турлари ва шакллари бўйича тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлаш вазифасини бажариб, у ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни мослаштиради.

Ишчи кучи бозорининг иқтисодий тушунча сифатидаги моҳияти, унинг турли ижтимоий–иқтисодий шароитлардаги хусусиятлари, ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришдаги ўрни ҳамда аҳамияти кўплаб классик иқтисодиёт назарияси намояндаларининг тадқиқот предмети бўлган.

Классик сиёсий иқтисодчилар (А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Сэй, Т.Мальтус) фикрларига кўра, ишсизликнинг ошиши биринчи навбатда юқори иш ҳақи натижасида кучаяди. Иш ҳақи ошганда ишчи кучи таклифи ҳам ортади, ишчи кучига бўлган талаб эса камаяди. Бу иқтисодий қонун бўлиб, ишчи кучи бозорида амал қилади. Д.Рикардо иш ҳақининг ўсиши аҳоли сонининг ортишига, унинг оқибатида эса ишчи кучи таклифининг ҳам ошишига олиб келади деб кўрсатади³.

Ж.Кейнс иқтисодиётга давлат аралашуви зарурдир деб ҳисоблайди, давлат ишсизлик жараёнини солиқларни камайтириш каби йўллар билан тартибга солиб, жами талабни рағбатлантиришни таклиф қилади. У ўзининг «Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» асаридеда классик назарияни қаттиқ танқид қилади, унинг нотўғри жиҳатларини исботлайди.

Ишсизликнинг табиий даражаси иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан қанчалик тўла фойдаланилганлигини кўрсатади. Одатда амалда ишсизлик даражаси ишсизликнинг табиий даражасидан юқорироқ бўлади. Камдан–кам ҳолдагина ҳақиқий ишсизлик даражаси ишсизликнинг табиий даражасидан паст бўлади.

¹ Ўзбекистонда ишчи кучи бозоридаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда амалдаги қонунчиликка кўра берилиши мумкин бўлган имтиёзли пенсияга чиқариш тартибига асосан эркаклар 58 ёшдан пенсияга чиқишлари мумкин.

² Ўзбекистонда ишчи кучи бозоридаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда амалдаги қонунчиликка кўра берилиши мумкин бўлган имтиёзли пенсияга чиқариш тартибига асосан аёллар 58 ёшдан пенсияга чиқишлари мумкин.

³ Антология экономической классики. - Предисловие, составление И.А.Столярова. - М.: ЭКОНОМ, Ключ. 1993. С. 84.

Муаллиф фикрига кўра, ишсизликнинг пайдо бўлишига ишчи кучи бозоридан ташқаридаги омиллар асосан сабабчи бўлади. Шунга мувофиқ, ишсизликнинг туркумлари таклиф қилиниб, уни туркумлар бўйича ўрганиш ва туб сабабларини топиб, ишсизлик даражасини пасайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги кўрсатилди.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, жамият учун ишсизликнинг ўзи ва унинг ҳажмидан кўра ишсизликнинг давомийлиги катта муаммодир. Республикада ҳам бандлик хизматлари томонидан ишсизликнинг давомийлигини ҳисобга олиш зарурдир. Яқин вақтгача Ўзбекистонда ишсизликнинг умумий даражаси аниқланмас эди. Унинг ўрнига фақат расмий ишсизлик даражаси билан чекланиб қолинар эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 январдаги 42-сонли «Аҳолининг иш билан таъминланганлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан, ишчи кучи ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлашнинг янги услуби жорий қилинди. Шунингдек, иқтисодиётнинг норасмий секторига иш билан таъминланганлар сонини аниқлаш бўйича ўзгартиришлар киритилди.

Ушбу услубда аниқланган ишсизлик даражаси 2003 йилда 373084 кишини, яъни иқтисодий фаол ишчи кучига нисбатан 3,5 фоизни ташкил қилганлиги ишсизликнинг расмий даражасидан анча юқори эканлигини кўрсатади.

Муаллиф таклиф қилган назарий таърифга мос равишда мамлакат ялпи ишчи кучи 2003 йилда 13485,7 минг кишидан иборат бўлиб, унинг 78,8 фоизини ишчи кучининг иқтисодий фаол қисми ташкил этади. Худудлар бўйича ҳам ўхшаш вазиятни кузатиш мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси (8,9 %), Бухоро (3,7 %), Навоий (4,5 %) ва Сурхондарё (3,9 %) вилоятларида эса ишсизлик даражаси республика ўртача даражасидан ҳам юқори эканлиги кузатилади (1-жадвал).

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ишчи кучининг иш билан бандлик ҳолати куйдагиларга боғлиқлигини кўрсатиш мумкин:

- ишчи кучининг иш билан бандлик тавсифи унда давлат ҳиссасининг ҳали юқори даражада эканлиги;
- давлат корхоналарида иш ҳақи даражаси нархларнинг маълум даражадаги инфляцияси суръатларидан орқада қолаётган бўлиб, ишчи кучи учун иш ўринлари нуфузли бўлмаётганлиги;
- иш ўринлари ва ишчи кучи таклифи ўртасида сифат жиҳатдан етарлича мутаносибликнинг йўқлиги (шаҳар ва минтақавий хусусиятга эга);
- иқтисодиётда иш билан бандликнинг тармоқ ва касбий тузилишидаги ўзгаришларнинг секин амалга ошаётганлиги сабабли ишчи кучи ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги.

Ишсизлик даражасининг қишлоқ жойларида юқорилиги туфайли иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларида янги иш жойларини яратишда фаолият тури ва соҳаларини кенгайтириш, ўзини ўзи иш билан банд этиш, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни, бозор инфраструктурасини, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор берилишини талаб

қилади. Ҳисоб–китобларга кўра, яқин келажақда қишлоқ хўжалигидан 1 млн. ишчи кучини иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига жалб қилиниши керак.

1–жадвал. Ўзбекистон Республикасида ялпи ишчи кучининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (2004 йил 1 январь ҳолатига), минг киши¹

№	Ҳудудлар	Ялпи ишчи кучи	Шундан:		Иқтисодий фаол қисмдан:		Ишга жойлашшига муҳтожлар:			
			Иқтисодий фаол қисми	Иқтисодий нофаол қисми	Иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар	Иқтисодиётнинг но-расмий секторида бандлар	Жами	Шундан:		Иқтисодий фаол қисмига нисбатан, фоизда
								Рўйхатга олинган ишсизлар	Рўйхатга олинмаган, ишга жойлаш ишга тайёрлар	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	813,5	641,6	178,6	417,4	167,2	57,0	7,3	49,6	8,9
2	Андижон	1206,9	955,3	264,1	641,3	281,0	32,9	2,3	30,5	3,5
3	Бухоро	814,3	649,1	173,3	455,3	169,9	23,8	0,9	22,9	3,7
4	Жиззах	115,5	407,7	115,5	236,2	160,8	10,7	0,9	9,7	2,6
5	Кашкадарё	1154,3	897,4	268,9	616,5	255,8	25,0	1,8	23,1	2,8
6	Навоий	429,2	328,0	104,6	271,1	42,2	14,7	2,2	12,4	4,5
7	Наманган	1054,3	838,5	225,9	535,3	273,0	30,1	1,8	28,2	3,6
8	Самарканд	1434,0	1153,7	294,3	766,9	348,7	38,1	4,6	33,4	3,3
9	Сурхондарё	907,6	721,1	195,3	484,8	208,5	27,7	0,9	26,8	3,9
10	Сирдарё	347,9	280,3	70,7	183,3	90,6	6,3	1,0	5,2	2,3
11	Тошкент	1323,5	1066,3	271,4	714,7	328,2	23,3	0,7	22,5	2,2
12	Фаргона	1443,6	1169,0	289,6	813,0	314,9	40,9	3,6	37,3	3,5
13	Хоразм	733,9	590,7	150,6	403,4	164,6	22,6	4,9	17,7	3,8
14	Тошкент шаҳри	1303,9	931,3	250,6	733,9	178,0	19,4	3,2	16,1	2,1
	Республика бўйича	13485,7	10630,6	2853,9	7273,6	2983,9	373,0	36,9	336,1	3,5


Республикада меҳнат органлари фаолиятининг такомиллашиб бораётганлигини кузатиш мумкин. 1993 йил 191588 киши иш сўраб меҳнат органларига мурожаат қилган бўлса, бу кўрсаткич 2003 йилда 430484 кишини яъни сўнгги 11 йилда бу борадаги ўсиш 2,24 баробарни ташкил этди. 1993 йил меҳнат органларига иш сўраб мурожаат қилганларнинг 60,9 фоизи ишга жойлаштирилган бўлса, 2003 йил бу кўрсаткич 73,7 фоизни ташкил қилди (2–расм). Шунингдек, 1998 йилда 345906 иш жойи яратилган бўлса, 2003 йилда 429640 ни ташкил қилиб, бу кўрсаткич 5 йил ичида 1,24 баробарга ортди.

Ҳозирги вақтда тез ўзгараётган бозор талабини қабул қила оладиган, сарф қилинган харажатларни қоплашга қодир бўлган, рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш эвазига янги иш ўринларини кўпайтириш ишларини янада такомиллаштириш зарурдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Н.А.Каримов «...биз иқтисодиёт таркибида кичик, ўрта ва хусусий бизнес муносиб ўрн эгаллашга, керак бўлса,

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли иқтисодий муҳофазат қилиш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

ҳал қилувчи ўринни эгаллашига, яқин икки-уч йил ичида кичик ва хусусий корхоналар сонини икки баравар кўпайтириб, ялпи миллий маҳсулотда уларнинг улушини камида 25 фоизга етказишга эришмоғимиз лозим»¹ – деб таъкидлаганлар.

2-расм. Ўзбекистон Республикасида расмий ишчи кучи бозорининг асосий кўрсаткичлари²



Ўзбекистонда 2003 йилда жами 429 минг иш ўринларидан 370 мингга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали яратилди. 2003 йилда ўрта ва кичик бизнесда янги иш жойларини ташкил қилиш мақсадида «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси» ҳисобидан 15282,0 млн. сўм ажратилди.

Янги иш жойларини ташкил этишда хорижий инвестиция иштирокидаги қўшма корхоналарнинг ҳам ўрни каттадир. Бироқ, республиканинг кўп жойларида қўшма корхоналар ташкил этишга етарлича эътибор берилмапти ва уларнинг аксарияти йирик шаҳарларда барпо этилган. Республикада фаолият кўрсатаётган ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналарнинг тўртдан уч қисми Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида жойлашган бўлиб, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда қўшма корхоналар қуриш ишлари амалга оширилмапти.

Диссертацияда ишчи кучининг иш билан бандлигини таъминлашда ташқи ишчи кучи миграциясига алоҳида ўрин ажратилиб, унинг аҳамияти ва афзалликлари ҳамда уни халқаро тажриба асосида ташкил қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 33 – бет.

² Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистоннинг халқаро ишчи кучи бозорида қатнашуви унинг демографик кўрсаткичлари – аҳолининг юқори суръатларда ўсиши, ишчи кучи ресурсларининг умумий сонига ёшлар улушининг юқорилиги билан чекланиб қолмасдан, балки уларнинг маълумоти, савия даражаси юқорилиги бўйича ҳам ажралиб туради. Республиканинг халқаро ишчи кучи миграцияси жараёнларида фаол иштирок этиши унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан бир қаторда яна бир қанча иқтисодий афзалликларга эга бўлиш имконини таъминлайди (3–расм).

Биринчидан, маҳаллий ишчи кучи бозорида маълум даражада талаб ва таклиф мувозанати эришилади. Чунки, республикадаги демографик вазият ички бозорда ишчи кучи таклифининг ўсиб боришига мунтазам кучли таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, мигрант ишчилар хориж корхоналарида ишни ташкил этиш, уни бошқариш, бозор иқтисодиётида унумли меҳнат қилиш ва тегишли замонавий билимларни ўрганиб, тажриба ва малакаларини бойитиб қайтади.

Учинчидан, ишчи кучини экспорт қилиш республика валюта тушумларининг сезиларли манбаи бўлиб қолиши ва натижада ушбу даромад ҳисобига янги иш жойлари барпо этиш имконияти ортади.

Тўртинчидан, хорижда ишлаб келганлар ишбилармонлик, тадбиркорлик хусусиятларига, халқаро иш тажрибаси ва ўтиш давридаги қийинчиликларини енга олиш қобилиятига эга бўлиш билан бирга, мамлакатга қайтиб келганларидан сўнг хусусий тадбиркорлик орқали янги иш жойларини яратиш имкониятига эга бўладилар. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси олиб борган сўровномада қатнашган 100 кишидан 26 таси муқаддам хорижда ва асосан, Россия (38,7%), АҚШ (15,3%), Германия (7,2%), Қозоғистон (7,2%), Корея ва Туркияда ишлаганликлари маълум бўлган¹. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда ҳар бешинчи ёки олтинчи тадбиркор маълум бир вақт хорижда ишлаган ва мамлакатга қайтгандан сўнг ўз ишини очган.

Ҳисоб–китобларга кўра, ҳозирги вақтда республикамизнинг 500 мингдан ортиқ фуқароси ташқи ишчи кучи миграциясида иштирок этиб, уларнинг асосий қисми Россия, Қозоғистон, АҚШ, Корея Республикаси ва Европа мамлакатларига тўғри келмоқда².

Республикада Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги бу соҳада фаолият юритаётган ягона муассаса бўлиб, ушбу агентлик томонидан 1995–2003 йилларда жами 12 мингдан ортиқ фуқаро хорижга меҳнат фаолияти юритишга юборилган. Бу соҳадаги жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ишчи кучини экспорт қилиш бир вазирлик миқёсида эмас, балки муқобил тарзда хусусий ва хорижий агентликлар, фирмалар иштирокида рақобат асосида тегишли давлат идораларининг кўмаги ва назорати ўрнатилган ҳолдагина самарали натижа беради. Республикада хорижда ишга жойлаштириш ҳуқуқига эга бўлган

¹ Максакова Л. Миграция и рынок труда в странах Средней Азии. – Т.: Брейд–Стайл. 2002. С.16.

² Максакова Л. Миграция населения: проблемы ресурцирования. – Т.: Эльдинур 2001. С. 99.

3-расм. Ташқи ишчи кучи миграциясининг иш билан бандликни таъминлашдаги мақсадли йўналишлари*



*Расм муаллиф томонидан тузилган.

муқобил субъектларнинг ҳам ташкил қилиниши зарур. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат марказининг ҳисоб-китобларига кўра, бир йилда 10 минг фуқаронинг хорижда ишлаши республикага 150 млн. АҚШ доллари келиб тушишини таъминлаши мумкин.

Республиканинг жаҳон ишчи кучи бозорига чиқиши учун ташқи ишчи кучи миграцияси бўйича давлат сиёсатининг асосларини ишлаб чиқилиши ҳамда бу сиёсатни ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий томондан таъминланиши керак. Унда давлатнинг ушбу соҳадаги тамойил ва мақсадлари, вазифалари, ташқи ишчи кучи миграциясини ташкил қилиш механизми ва ушбу жараёнларга давлат томонидан кўрсатиладиган таъсир ва назорат қилиш чоралари аниқ ифодаланиши лозим.

Ёшларнинг ташқи ишчи кучи миграциясига бўлган муносабатини ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳрида улар ўртасида социологик сўров ўтказилди. Респондентлар турли касб эгалари бўлиб, сўровда қатнашганларнинг 18 ёшгача бўлганларидан 45 фоизи, 18–25 ёшдагиларнинг 43 фоизи, 26–30 ёшдагиларнинг 34 фоизи ҳар қандай шароитда (амалдаги қонунчилик асосида) хорижга бориб ишлаб келиш истаги борлигини маълум қилдилар. Улардан 88 фоизи ўз моддий аҳволларини яхшилаш, 34 фоизи касбий даражаларини ошириб, хорижий иш тажрибасини ўрганиш ва 28 фоизи ўз шахсий режаларини амалга ошириш мақсадида эканликларини билдиришган.

Жаҳон иқтисодий хўжалигининг ривожланишига таъсир этаётган ташқи ишчи кучи миграциясида Ўзбекистоннинг ҳам фаол қатнашиши тараққиётда бошқа мамлакатлардан орқада қолмаслик имкониятини кучайтиради ва Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатга айланиш жараёни янада тезлаштиради.

3. Хулоса ва таклифлар

1. Тадқиқот давомида ялпи ишчи кучи ва унинг иш билан бандлиги тушунчалари муаллиф ўрганаётган йўналиш доирасида таърифланди ва тартибга солинди. Бундай ёндошувни ишлаб чиқишда ялпи ишчи кучи мамлакат миқёсида жами меҳнатга лаёқатли ишчи кучини миқдор ва сифат жиҳатдан ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий, назарий-методологик тушунчадир, деган хулосага асосланилди. Шунга кўра, ялпи ишчи кучининг иш билан бандлиги жами меҳнатга лаёқатли ишчи кучининг меҳнат муносабатларига жалб қилинганлик ҳолатини ифодалайди.

2. Ишчи кучи иш билан билан бандлигининг ўтиш мамлакатларига хос бўлган умумиқтисодий жараёнлари ифодалаб берилди: 1) меҳнатга лаёқатли ёшга етган ёшлар ишчи кучи бозорига фаолроқ кира бориши; 2) молия, кредит ва сугурта тизимларида, савдо, умумий овқатланиш, уй-жой, коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида иш билан бандликнинг жадалроқ ўсиши; 3) қишлоқ хўжалигидан ортиқча ишчи кучларини бўшатиш ва бошқа соҳаларга ўтказиш жараёнининг бошланиши; 4) мулк

шакллари бўйича бандликда тузилмавий силжишларнинг амалга оширилиши ва ҳоказо.

3. Ишчи кучини юқори самарали иш билан таъминлаш меҳнат иқтисоди, ишчи кучи бозори, иш билан бандлик, ишчи кучидан фойдаланиш борасида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилиш бўйича долзарб тадқиқотларни ўтказишни талаб қилади. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишида ишчи кучи бозори, иш билан бандлик идоралари ва бандлик ҳақида мунтазам ахборотлар тизимини шакллантириш зарур. Бу тизим расмий статистика хизматлари ва муқобил тадқиқотлар орқали ишчи кучи бозорини тавсифлашни ҳам ўз ичига олиши лозим.

4. Ишчи кучининг оқилона бандлигини таъминлаш қуйидаги ўзаро алоқадор бир неча гуруҳ мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилиши таклиф қилинади:

- иқтисодиёт ва унинг тармоқларидаги ислоҳий ўзгаришларни ялпи ишчи кучидан фойдаланишда ҳар томонлама ҳисобга олиш;

- бозор иқтисоди инфратузилмаларидаги ўзгаришлар ва ялпи ишчи кучи динамикаси орасидаги мувофиқликни таъминлаш;

- сиёсий-ижтимоий ривожланиш хусусиятларига ялпи ишчи кучи ривожланиши хусусиятларининг мослигини таъминлаш.

5. Ялпи ишчи кучининг иш билан бандлигини оширишнинг энг асосий йўналиши, республика ижтимоий-демографик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, янги иш жойларини яратишдир. Шунга кўра қуйидагиларни амалга оширишни кўзда тутиш зарур:

- янги иш жойларини турли корхоналар очиш орқали кўпроқ реал секторда яратиш;

- иқтисодиётни таркибий қайта қуришни жадаллаштириш, уни хом ашё йўналишидан тугалланган технологик жараёнга эга бўлган юқори сифатли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланган усулга ўтказиш;

- ишчи кучининг иш билан бандлик ташаббускорлигини, иқтисодий мустақилликни ривожлантириш учун шароит яратиш, боқимандалик кайфиятига барҳам бериш;

- давлат, иш берувчи ва ишловчилар тегишли жавобгарлигининг ягоналигини таъминлаш;

- инвестиция, пул-кредит, бошқа иқтисодий ва ҳуқуқий воситалар орқали давлат томонидан ишчи кучининг оқилона бандлигини таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- иш берувчи ишчининг самарали иқтисодий фаолиятини ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, ишчилар эса иш жойларини сақлаб қолиш учун ўз касб-малақа даражасини тўхтовсиз ошириб боришлари лозим;

- ишчи кучининг эркин касбий, ижтимоий, ҳудудий кўчиши ва эгилившан иш вақтига асосланган самарали бандлик тизимини ривожлантириш.

6. Иш жойларини яратиш фаол сиёсатини амалга ошириш учун ишчи кучини самарали иш билан таъминлаш республика ва ҳудудлар дастурларини тузиш амалиётини жорий қилиш зарур. Дастурда энг илғор йўналиш сифатида кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва айниқса, қишлоқ

жойларида янги иш жойларини очишни кучайтириш ҳамда ёшларни иш билан таъминлаш. биринчи навбатдаги устувор йўналиш бўлиши лозим. Шу билан бирга дастурда қўшма корхоналарнинг истиқболли ролига ҳам аҳамият бериш керак.

7. Ташқи ишчи кучи миграциясидан фойдаланиш ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши учун жуда улкан имкониятлар яратиши мумкин. Бунинг учун:

– республиканинг ташқи ишчи кучи миграцияси бўйича давлат сиёсатининг ишлаб чиқилиши ҳамда унда давлатнинг ушбу соҳага бўлган сиёсати, принцип ва мақсадлари, вазифалари, ташқи ишчи кучи миграциясини ташкил қилиш механизми ва ушбу жараёнларга давлат томонидан таъсир ва назорат қилиш чоралари аниқ ифодаланиши лозим:

– миграция жараёнлари зудлик билан давлат аралашуви орқали тартибга солинишга муҳтож. Биринчи галда, мамлакатимизда миграция жараёнларини амалга оширишнинг институционал асосларини халқаро меъёрларга мослаш, ушбу соҳада муқобил хизматни ташкил қилиш;

– расмий ва норасмий миграция оқимлари таҳлил қилиб борилиши ва уларни тартибга солиш бўйича тегишли чора–тадбирлар амалга оширилиши ҳамда миграцияда қатнашаётган ишчи кучини тегишли маълумотлар билан таъминлаш керак.

8. Ташқи ишчи кучи миграциясидан фойдаланиш умумиқтисодий самарадорликка жиддий таъсир этувчи омиддир. Хусусан, ташқи ишчи кучи миграцияси орқали мамлакатга келиб тушадиган хорижий валюта тушумлари кескин ортиши мумкин, натижада иқтисодиётни ривожлантиришга инвестициялар жалб қилиш кучаяди. Ишчи кучининг малака жиҳатдан халқаро даражадаги рақобатбардошлигини рағбатлантириш таъминланади ва ишчи кучи бозоридаги кескинликни юмшатиб, ишчи кучининг қайта тақсимланиши орқали ундан фойдаланишни яхшилашнинг зарур имкониятлари яратилади.

4. Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари қуйидаги мақолаларда баён этилган:

1. Тоғаев Б.Э. Ишчи кучи халқаро миграциясининг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни // Ж. Жамият ва бошқарув. 2001. 4–сон. 76–78–бетлар.

2. Тоғаев Б.Э. Роль миграции в обеспечении занятости рабочей силы // “Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда солиқ механизми” мавзуйдаги Халқаро илмий–амалий конференция материаллари: - Т., 2002. 217–219–бетлар.

3. Тоғаев Б.Э. Ишчи кучининг самарали бандлигини оширишнинг йўллари // Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш: муаммолар ва ҳал қилиш йўллари мавзуйдаги Республика илмий–амалий конференцияси тезислар тўплами II–кисм: – Т., 2002. 156–159–бетлар.

4. Тоғаев Б.Э. Внешняя трудовая миграция в Республике Узбекистан: проблемы и перспективы // Шестнадцатые международные Плехановские чтения: Тезисы докладов. Рос. Экон. Акад. 2003. С. 443–445.

5. Тоғаев Б.Э. Қишлоқда ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари // “Иқтисодий эркинлаштириш шароитида республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари” мавзuidaги илмий-амалий конференция маърузалар тўплами: – Т., 2002. 271–272–бетлар.

6. Тоғаев Б.Э. Узбекистан и международный рынок труда // Ж. Экономическое обозрение. 2002. №8. С. 34–38.

7. Тоғаев Б.Э. Ўрта ва кичик корхоналарнинг ишчи ўринлари билан таъминлашдаги ҳиссаси // Ж. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2002. 9–сон. 39–бет.

8. Тоғаев Б.Э. Перспективы выхода Узбекистана на международные рынки труда // Материалы II–международной научно–практической конференции студентов, аспирантов и молодых ученых: – М., 2003. С. 74–75.

9. The role export of manpower in maintenance of employment in the Republic of Uzbekistan. Seoul: International Journal of Central Asian Studies. Volume 8–1. 2003. p. 147–154.

Тадқиқотчи:



Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Тоғаев Бехзод Эргашевичнинг 08.00.01 – «Иқтисодий назария» ихтисослиги бўйича «Ялпи ишчи кучи, унинг таркиби ва бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги диссертациясининг

ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

Калитли сўзлар: бозор иқтисодиёти, меҳнат, меҳнат фаолияти, ишчи кучи, ялпи ишчи кучи, ишчи кучи бандлиги, ишсизлик, ишчи кучи бозори, иш жойлари, ташқи ишчи кучи миграцияси.

Тадқиқот объекти: Ўзбекистон Республикасининг ишчи кучи бозори.

Ишнинг мақсади: Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ялпи ишчи кучи, унинг таркиби ва бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишларини аниқлаш ҳамда тегишли амалий тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот услуби: умумлаштириш ва таҳлил, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, иқтисодий–математик усулларни қўллаш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: – ялпи ишчи кучи тушунчасига аниқлик киритилди ва унинг иш билан бандлигига илмий таъриф берилган; – ялпи ишчи кучининг таркибий тузилишини ўрганиш услубиёти таклиф этилган; – халқаро услубиятга асосланган ҳолда норасмий бандлик ва рўйхатдан ўтмаган ишсизлар ҳисоб–китобини республикада ҳам амалга оширилиши зарурияти асослаб берилган; – республиканинг ижтимоий–иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишчи кучининг тўла бандлигини таъминлашга қаратилган тамойиллар аниқланиб, уларни амалга оширишга қаратилган чора–тадбирлар ва амалий тавсиялар тизими ишлаб чиқилган; – ташқи ишчи кучи миграциясининг аҳамияти, расмий ва норасмий миграция турларининг мазмуни очиб берилган; – ҳудудий миграциянинг ва айниқса халқаро миграциянинг ишчи кучи бандлигини оширишдаги ўрни, афзалликлари илмий–назарий жиҳатдан асосланган; – ташқи ишчи кучи миграциясининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усули келтирилган; – республикамизда ташқи ишчи кучи миграцияси жараёнини самарали ташкил этиш, бошқариш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолиятида, Ўзбекистон олий ўқув юртларида «Иқтисодиёт назарияси», «Бозор иқтисодиёти асослари», «Меҳнат иқтисодиёти» фанлари ҳамда «Ишчи кучи бозори ва иш билан бандлик» курсларининг баъзи бир мавзуларини ёритишда, ишчи кучи бандлиги бўйича махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқот натижаларидан республиканинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ишчи кучи бандлигини таъминлашга мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқишда тадқиқ этиш мумкин. Бунинг натижасида мамлакат ишчи кучи бозорида ишчи

кучи таклифи ва талаби ўртасидаги оқилона мувозанатни таъминлашга эришилади.

Кўлланиш соҳаси: Тадқиқот натижаларини бевосита Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг худудий бўлимлари фаолиятида, “Иқтисодиёт назарияси” ва “Меҳнат иқтисодиёти” фанларини ўқитишда қўллаш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Тагаева Б.Э. на тему: «Совокупная рабочая сила, ее состав и основные направления обеспечения ее занятости» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.01 – «Экономическая теория»

Ключевые слова: рыночная экономика, труд, трудовая деятельность, рабочая сила, совокупная рабочая сила, занятость рабочей силы, безработица, рынок рабочей силы, рабочие места, внешняя миграция рабочей силы.

Объект исследования: рынок рабочей силы Республики Узбекистан.

Цель работы: целью научной работы является определение основных направлений обеспечения занятости совокупной рабочей силы и её состава, а также разработка соответствующих практических рекомендации в период перехода Узбекистана на рыночную экономику.

Метод исследования: обобщение и анализ, статистическое группирование, монографическое исследование, использование экономическо–математические методы.

Полученные результаты и их новизна: – внесена ясность в понятие совокупная рабочая сила и дано научное определение ее занятости; – предложена методология изучения структурного состава совокупной рабочей силы; – обоснована необходимость учета и в республике неофициальной занятости и не зарегистрированной безработицы на основе международной методике; – исходя из социально-экономических особенностей республики определены принципы обеспечения полной занятости рабочей силы и разработана система практических рекомендаций и меры их осуществления; – раскрыта роль внешней миграции рабочей силы и смысл типов официальной и неофициальной миграции; – с научно–теоретической точки зрения обосновано преимущество и роль территориальной миграции и особенно международной миграции в повышении занятости рабочей силы; – приведен метод определения экономической эффективности внешней миграции рабочей силы; – разработаны практические рекомендации по организации и управления процесса внешней миграции рабочей силы в республике.

Практическая значимость: выводы и предложения разработанные в диссертации, могут быть использованы Министерством труда и социальной защиты населения Республики Узбекистана и его территориальными органами, а также при преподавании «Экономической теории», «Основы рыночной

экономики», «Экономике труда» и некоторых тем курса «Рынок рабочей силы и занятость» и в специальных курсах по теме занятости рабочей силы в высших учебных заведениях Узбекистана.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования могут быть использованы при разработке программ по обеспечению занятости рабочей силы в условиях перехода республики на рыночные отношения. В результате этого достигается обеспечение оптимальное равновесия между предложением и спросом на рабочую силу на рынке рабочей силы.

Область применения: результаты исследования могут быть использованы непосредственно Министерством труда и социальной защиты населения Республики Узбекистана и его территориальными органами и при преподавании предмета «Экономика труда»

RESUME

dissertation on the theme “Total manpower, its structure and basic trends of maintenance its employment” on speciality 08.00.01 – “Economic theory” written by Tagaev Behzod Ergashevich for the scientific degree candidate of economic sciences

Key words: market economy, labor, labor activity, manpower, total manpower, manpower’s employment, unemployment, manpower market, work places, foreign migration of manpower.

The object of research: manpower market of the Republic of Uzbekistan.

The aim of the research: definition main trends of maintenance employment of total manpower and its structure and also to work out practical recommendations in the transition period of Uzbekistan to market economy;

The method of research: generalize and analysis, statistic group, monographic research, use economic–mathematical methods.

The results of research and their novelty: entered clear to the meaning total manpower and given scientific determination its employment; offered methodology of study manpower’s structure; substantiated the necessity of registration unofficial employment and not registered unemployment on the base of international methodic; determined principles of providing manpower’s total employment proceeding from the social–economic peculiarities of the republic and worked out the system of practical recommendations and measures of their realize; opened the role foreign migration of manpower and meaning of types official and unofficial migration. Scientific–theoretical proved advantage role of territorial midration and especially international migration in increase manpower’s employment; given method of determination economic efficacy foreign migration of manpower; worked out practical recommendations on organize and operate the processes foreign migration of manpower in the republic.

Practical value: conclusions and proposals taken place in dissertation may be used by the Ministry of labor and social protection of population of the Republic of Uzbekistan and its regional departments and also in teaching “Economical theory”, “The essential principles of market economy”, “Labor economy” and some courses of “Manpower market and employment” in the republic’s institutes.

Degree of inculcate and economical effectivity: the results of research may be used in work out the programs on maintenance manpower’s employment in the period of the republic’s transition to market economy. In this result is reaching the balance between supply and demand for manpower in manpower’s market.

Sphere of use: the results of research may be used by the Ministry of Labor and social protection of population of the Republic of Uzbekistan and its regional departments and in teaching “Economical theory”.